

Америка кўшма штатлари сафига 49-штат бўлиб кирган Алясканинг Россия томонидан сотиб юборилиши тарихдаги энг йирик ва шов-шувларга сабаб бўлган келишувлардан биридир. 1867 йилдаги давлатлараро шартномага кўра АКШ 7 200 000 доллар эвазига умумий майдони 1 518 800 км² бўлган Аляска ярим оролини атрофдаги кичик ороллар ва киргокдан наридаги 10 миля масофагача кўшиб сотиб олади. Энг кизиги бу келишув кўпчилик ўйлаганидек Американинг ўта айёрлиги туфайли эмас, Россия тарафининг бу худуддан кандай килиб бўлса-да кутулиш, хар кандай суммага бўлса-да пуллаш иштиёки кучлилиги туфайли амалга ошганди.

Аляска 1732 йилда М. С. Гвоздева ва И. Фёдоровлар бошлик рус экспедицияси томонидан очилган ва Россия империяси мулки деб эълон қилинган. Узок йиллар бу ўлканинг Империя учун бирор бир нафи тегмади. Аляскадан давлат эмас, жисмоний шахслар фойдаланиб юришди. 1799 йилда Аляскада “Рус-Америка компанияси” деб номланган махсус монополистик ташкилот тузилди ва айнан шу ташкилот деярли 70 йил, Аляска сотилгунга қадар бу худудни бошқариб келди.

Аляскани биз олтин, нефть ва бекиёс чиройли табиатга эга бой ўлка сифатида биламиз. Лекин у даврларда олтин ва нефть хали топилмаган. Ёзул табиат эса ҳеч қимми кизиктирмасди. Рус-Америка компанияси ташкил бўлиб шунча йил ишлади ҳамки, давлатга бирор рубль фойда келтирмади. Боз устига бу компания давлат хазинасидан йилига 200 000 рубль миқдорда дотация (ёрдам пули) ҳам оларди. Чексиз-чегарасиз бу худудда бор-йўғи икки минг нафарга яқин руслар, ундан ҳам оз бошқа миллат вакиллари ва 60 000 мингга яқин ёввойи дея таърифланган маҳаллий хиндулар ҳамда эскимослар бир-бирлари билан адоватда яшашарди. Аляскада мустамлакачиларни кизиктириши мумкин бўлган тузукрок даромад манбаи йўқ, маҳаллий аҳоли хайвонлар мўйнасини пуллаб амал-такал қил кечирарди. Аксига олиб бу хайвонлар сони ҳам руслар яшайдиган жойларда йилдан-йилга камайиб борар, ов қилиш учун ёввойилар яшайдиган ички худудларга қилиб боришга ҳеч қимда юрак йўқ эди.

Яна Аляскадан Сан-Францискога муз олиб бориб сотишар, хали музлатгичлар ихтиро қилинмаган бу даврда муз ҳам озми-кўпми қил бўларди. Олдинроққа кетиб айтиш мумкинки, Америка Аляскани сотиб олганидан кейинги ўттиз йил давомида ҳам ахвол деярли ўзгармади. Мана шу йиллар ичида бу ерларни сотиб олган сиёсатчилар қилни шомолга совурганлар сифатида деярли халқ душманига айланишди.

Аляскани сотиб юбориш фикри Шаркий Сибир губернатори граф Н. Н. Муравьев-Амурскийдан чиққанди. 1853 йилда у императорга ёзган хатида Россия бунчалар узокда бўлган бу ўлкани саклай олмаслигини, имкон бўлди дегунча Аляскани қиллаб, бу маблағни ички муаммоларни хал қилиш ҳамда Сибир, Амурбўйи ерларини ўзлаштиришга, Осиёдаги таъсирларни қучайтиришга сарфлаш лозимлигини батафсил тушунтиради. Турли хил урушларга аралашиб қолган, иқтисоди анча ночор ахволга тушиб қолган Россия борди-ю Аляскага бирорта давлат хужум қилса, химоя қил олмаслиги аниқ эди. У даврларда бирор бир худудни босиб олиш ва ўз мулки деб эълон қилиш бутунлай қонуний бўлиш билан бирга одатий бир ҳол бўлган. Яъни Аляска сотилмаса ё борган

сари кудрати ошиб бораётган АКШ ёки Россия билан ёвлашиб юрган Англия эртами-кечми бу худудга кўз тикиши ва эгаллаб олиши аник эди. Техасни Америка Мексикадан тортиб олгани ва камига Калифорнияни ҳам сотишга мажбур қилганлиги бу фикрнинг исботи эди.

Бу вазият Император Александр II нинг кичик укаси, буюк княз Константин Николаевични каттик ўйга чўмдиради ва у Вашингтондаги Россия вакили, барон Эдуард Стеклга Аляскани сотиш лозимлиги уқдиради. 1857 йилда Россия Ташки Ишлар Вазирлиги бу таклифни кўриб чиқади ва маъқуллайди. Лекин бу масала АКШда бошланган фукаролар уруши туфайли кейинга қолдирилади. 1866 йилда Александр II нинг ўзи ҳам иштирок этган махсус кенгашда Аляскани камида 5 млн. долларга сотиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор эди. Хали асосий ва ягона харидор бўлган АКШдан бирор бир таклиф тушмаган, харидорга сотиб олишни таклиф этиш империя учун дунё ҳамжамияти олдида паст кетишдан ўзга нарсаси эмасди. Шунинг учун ишни ими-жимида ҳал қилиш бунақа ишларга уста бўлиб кетган барон Эдуарда Стеклга юкланади. 1867 йилда Вашингтонга келган Стекл АКШ давлат қотиби Уильям Сьюард билан учрашади ва АКШ Аляскани сотиб олиши учун қулай имконият борлигини таъдир гаплар билан писанда қилиб қўяди ҳамда биринчи таклиф АКШ томонидан қабул қилинади. Президент Жонсон бу фикрни маъқуллайди ва бу масала юзасидан Уильям Сьюардни АКШ вакили этиб тайинлайди. 1867 йил 30 мартда Аляска сотилиши бўйича икки томонлама шартнома имзоланади. Аляска 7 200 000 долларга шу пулга яраша олтин бериш шарт билан сотилади.

Бу кўпми-камми?! Нарх борасидаги тортишувлар хали-хануз давом этмоқда. Умумий майдони 1 518 800 км² бўлган Аляска ярим ороли ҳар бир квадрат километри учун 4 доллару 73 центга, ёки бир гектари 5 цент атрофида пулланади. Текин бериб юборилган эканда, дерсиз. Лекин ўша даврларда бу жуда катта пул эди. Киёслаш учун шуни айтиб ўтиш лозимки, деярли 15 штат худудини қамраб олган, Аляскадан ҳам каттарок 2 100 000 км² бўлган ва яхши ўзлаштирилган тарихий Луизиана французлар томонидан АКШга 10 млн. доллар эвазига сотилганди. Арзон сотилган деган фикр юридувчилар ҳам қайсидир маънода ҳақдорлар. Бойлик тушунчалари анчагина бошқачарок бўлган у даврларда Нью-Йоркдаги ўша даврда ягона бўлган 3 қаватли суд биноси АКШ ҳукуматида бутун Аляскага нисбатан қимматроққа тушганди.

1867 йилнинг 18 октябрида Аляска расман АКШга топширилди ва катта тантанавда Россия байроғи туширилиб, миллий ўқлари садолари остида АКШ байроғи қўтарилади. Маҳаллий аҳолига танлаш имконияти берилади. Улар АКШ фуқаролигини қабул қилишлари ёки Россияга қайтишлари мумкин эди. Шундоқ ҳам Аляскадан безор бўлиб юрган русларнинг кўпчилиги кемаларга ўтириб жўнаб ҳолишади. Хозирда ҳам 18 октябр ҳар йили Аляска қуни сифатида нишонланади.

Шартномада қилишилган маблағ орадан деярли бир йил ўтгандан сўнг, 1868 йилнинг 1 августида Стеклга топширилади. Бу маблағдан 21 000 доллари Стеклга муқофот сифатида, 10 000 доллар (!) қилинув тўғрисида Петербургга хабар бериш учун телеграммага, 134 000 доллари АКШ ҳукумати бу қилинувга қўндирган турли хил амалдорларга пора сифатида берилади. Қизиқ факт, Россия Аляска сотилиши учун

шунча пул пора беришга ҳам рози бўлган. Аляска учун олинган маблаг асосан Россия темир йўллари тизимини ривожлантиришга сарфланган.

Энди Аляска сотилганидан кейинги фактларга эътибор беринг

1. Аляска АКШ тасарруфига айланганидан сўнг 30 йил ўтиб бу ҳудуддаги Клондаик деган жойда олтин конлари топилади ва “Олтин иситмаси” бутун дунёдаги олтинтопарларни Аляскага чорлайди.

2. XX асрда очилган нефть ва газ конларининг ўзидан 200 миллиард долларга яқин даромад олинади.

3. 1988 йилда ҳисобланишича, Аляскадаги баликчиликнинг ўзи 1 кунда Аляска сотиб олинганидан кўра кўпроқ даромад оларкан.

4. Аляскани сотиб олиш оркали АКШ тарихдаги энг фойдали битимни амалга оширган. Бу ўлкадан топилган пуллардан ташқари Аляска АКШнинг бу сарҳадлардаги харбий салоҳиятини ҳам ошириб юборганди.

Аляска сотилиши билан боғлиқ миш-мишлар ва нотўғри фикрлар:

- “Келишув пули тўланмаган ва Америка Россияни алдаган. Шунинг учун Россия Аляскани қайтариб олиши мумкин”. Бунинг асло иложи йўқ. Чунки юкоридаги фикрлар ўз исботини топган тақдирда ҳам ҳар икки давлат конунларида кўрсатилган даъво муддати аллақачон ўтиб кетган.

- “Аляска сотилмаган. Балки 99 йилга ижарага берилган. АКШнинг Аляскани 20 асрга келибгина ўз сафига 49 штат сифатида кўшиб олганлиги сабаби шу”. Бу ҳам исботини топмаган миш-миш. Аляска сотилаётган даврда императорнинг обрўсини тўқмаслик максидида ўйлаб топилган ва коғозга туширилган уйдирма.

- “Аляска эвазига олинган олтинлар Россияга етиб келмаган. Йўлда карокчилар талаб кетишган, колган-кутганини ортган кема океанга чўкиб кетган”. Буям бир миш-миш. Пуллар банкларгача етиб борган ва император хоҳишига кўра сарфланган.

- “Аляскани узокни кўра билмайдиган Екатерина II сотиб юборган”. Буниси энди ҳеч қандай қолипга сиймайди. Екатерина II 1796 йилда, Аляска сотилишидан 71 йил олдин ўлиб кетганди.

Аброр Зоҳидов тайёрлади